

54.957
1761

ЎЗБЕКИСТОН ССР
СИЁСII ВА ИЛМII БИЛИМЛАР
ТАРКАТУВЧИ ЖАМИАТИ

*А.И.Молчанова,
Н.П.Бойко*

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИХОТА
ДАРАХТЛАРИ ЭКИШИ



60 68
634.957 бр. 3964/2

М-761 Мамганова А.И.

Бексейганда ихота

Бари экиси.

60 тик.


ЎЗБЕКИСТОН ССР СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ
БИЛИМЛАР ТАРҚАТУВЧИ ЖАМИАТИ

А. И. МОЛЧАНОВА,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати
ва
Н. П. БОЙКО,
илмий ходим

634.957
M761

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИҲОТА
ДАРАХТЛАРИ ЭКИШ

сп 3964/2



„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти
Тошкент — 1957

М У Н Д А Р И Ж А

Ўзбекистон иқлими	Бет 4
Ўзбекистон тупроқлари	7
Ўзбекистонда далаларни иҳота қилиб дарахт экиш тарихи	9
✓ Далаларни иҳота қилувчи дарахтзорлар	11 ✓
Дарахтзорларнинг шамол кучига таъсири	11
Дарахтзорларнинг ҳаво температураси ва намлигига таъсири	12
Дарахтзорларнинг тупроқ намлигига таъсири	13
Дарахтзорлар қорнинг текис тушишига қандай таъсир этади	14
Далаларни иҳота қилувчи дарахтзорларнинг экинлар ҳосилига таъсири	15
✓ Далаларни иҳота қилувчи дарахтзорларни жойлаштириш	17
Дарахтзорларнинг кенглиги ва тузилиши	18
✓ Дарахт ва буталарнинг хиллари	19
✓ Далаларни иҳота қилиш учун дарахт экиб ўстириш агро-техникаси	20 ✓
Кўчатлар ва уларни ўтқазишга тайёрлаш	21
Кўчат ўтқазиш	22
✓ Дарахт ва буталарни парвариш қилиш	23
✓ Шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзор қилиш	23
Йўлларни кўкаламзор қилиш	25
Тоғлиқ жойлардаги дарахт ва буталар сувни ушлаб қолади	26
Ирригация каналларининг ёқасига ва сув омборларининг атрофига дарахт ва буталар экиш	30
Хулоса	32

Таржимон В. Раҳимов Редактор У. Мухамедов
Техн. редактор Н. Кониткова Корректор Ж. Абу бакиров

Терингга берилди 4/ХП 1957 й. Босишга рухсат этилди 14/1-1958 й.
Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. Физ. листи 1,0. Шартли босма листи 1,64.
Нашириёт ҳисоб листи 1,65. Гиражи 19700. РОС641 Нашр. № 798.
Заказ № 3101. Баҳоси 60 тийин.

„Қизил Ўзбекистон“ „Правда Востока“ ва „Ўзбекистони Сурх“
бирлашган нашриёти ва босмаҳонаси. Тошкент,
„Правда Востока“ кўчаси, уй № 34.

Ўзбекистон шароитида далаларни ихота қилиб дарахт экиш қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга, сув режимини яхшилашга, тупроқнинг ювилиб ва нураб кетишини тўхтатишга, шунингдек суғориш каналлари ва сув омборларининг қирғоғини ювилиб кетишдан сақлашга, сувнинг буғланиб ва шимилиб кетишини камайтишга қаратилган агротехника ва мелiorация тадбирлари орасида фоят катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистоннинг суғориладиган районларида ҳам, суғорилмайдиган (лалми) районларида ҳам кучли шамоллар эсиб туради ва бошқа ноқулай иқлимий ҳодисалар рўй бериб туради. Шундай шароитда ихота дарахтзорлари жуда ҳам зарур бир нарса бўлиб қолади. Масалан, Фарғона, Бухоро ва Тошкент областларининг кўпчилиги районларида кўкламда шамол қаттиқ эсиб, униб чиққан ғўзаларни кўмиб ва учириб кетади. Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа областларнинг суғорилмайдиган районларида асосан донли экинлар экилади. Бу районларда ёзги гармсел шамоллари ҳатто қисқа муддат ичида дон ҳосилдорлигини икки-уч марта камайтириб юборади.

Далаларни ихота қилувчи дарахтзорлар қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши учун қулай шароит туғдириб (яъни шамол тезлигини камайтириб, ҳаво ва тупроқ намлигини кўпайтириб), ҳосилдорликни 13—20 процент кўтаришга имкон беради.

Тоғли районларда қор-ёмғир ёққанда нураш ҳодисаси рўй беради. Бунинг натижасида тупроқнинг унумдорроқ устки қатламлари ювилиб кетади. Тупроқ ҳаддан ташқари ювилиб кетганда, сел келганда ва муайян шароитда ёмғир суви кўпайиб, сойга ўхшаб оқади ва халқ хўжалигига катта зиён етказди.

Сел босиш хавфи бўлган ҳавзаларни дарахтзорлар билан ўраш нураш ҳодисасининг олдини олади, шу жойнинг сув режимини яхшилайти, сувнинг оқиб кетмасдан,

шимилишини таъминлайди. Ўзбекистоннинг дарахтзорлар билан ўралган Оқтош ҳавзаси бунга яхши мисолдир.

Ҳавонинг исиб кетиши ва ҳаддан ташқари қуруқ бўлиши шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларни кўкаламзор қилиш заруратини туғдиради.

Ҳозирги вақтда яшил дарахт ва буталар ободончиликнинг зарур бир қисми ҳисобланади, чунки улар меҳнат ва дам олиш учун қулай шароит туғдиради, аҳолининг соғлиғини сақлашга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Дарахтлар теварак-атрофдаги табиатни ўзгартириб, шўр босган ерларнинг шўрини кеткизади. Бу эса янги ерларни суғориб, деҳқончилик учун ўзлаштирганда муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарахтзорлар экинлар билан яйлов ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириб ва мелиорация жиҳатидан жуда катта роль ўйнаб, ёғоч, қоғоз саноати учун хом ашё ёқилғи ва шу каби маҳсулотлар етиштириш учун қўшимча резерв бўлиб хизмат қила олади.

Мевали дарахт ва буталарни экиш аҳолига ёнғоқ ва мева етиштириб бериш учун имконият туғдиради.

КПСС XX съездининг олтинчи беш йиллик план ҳақидаги директиваларида ўрмон хўжалиги соҳасида хўжалик учун қимматли ва тез ўсадиган дарахтлардан 3 миллион гектарга яқин ўрмон барпо этиш, жар ёқаларида ва қумли ерларда камида 370 минг гектар ихота дарахтзорлари барпо этиш, шунингдек колхозларнинг ерларида дала-ларни ихота қиладиган 460 минг гектар дарахтзор барпо этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон иқлими

Ўзбекистон иқлими бир қанча факторларнинг таъсирига, яъни қуёш нурларининг радиациясига, континенталлик, атмосфера ҳавосининг умуман айланиб юриши, жойнинг паст-баландлиги ва шу кабиларга боғлиқ.

Ана шу факторларнинг қандай қилиб қўшилганига қараб айрим районларнинг иқлими бир-биридан анчагина фарқ қилади. Иқлимнинг жуда муҳим элементлари—иссиқлик ва намликнинг миқдор жиҳатдан ўзгаришида, шунингдек уларнинг ерга тарқалишида жойнинг паст-баландлиги айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонни денгизлардан тўсиб турадиган жанубдаги баланд тоғ тизмалари борлиги, шунингдек республика территорияси океанлардан узоқдалиги учун Ўзбекистон

иқлимни роса континентал бўлиб, ёз қуруқ, иссиқ, қиш бир-мунча совуқ келади, ҳаво қуруқ бўлиб, атмосфера ёғинлари кам тушади, шунда ҳам асосан қиш ва кўклам даврида бўлади.

Ўзбекистон территорияси паст-баланд бўлганидан (тоғлар, водилар ва текисликлар борлигидан) турли иқлим зоналари иссиқ чўл зонасидан тортиб қаттиқ иқлимли баланд тоғли жойлар бор.

Тоғ олдиларида ва тоғларда иқлимнинг континенталлиги водилардагига қараганда камроқ билинади. Тоғ олдиларида ва тоғларда ёғингарчилик кўпроқ, ҳаво намлиги ортиқроқ бўлади ва температура камроқ ўзгаради. Ҳавонинг йиллик ўртача температураси, температуранинг энг юқори ва энг паст даражаси территориянинг денгиз юзасидан қанча баландда эканлигига боғлиқ. Текисликларда ҳаво температураси тоғлик ерлардагига қараганда юқорироқ бўлади. Ўзбекистоннинг шимолий ва жанубий районларида ҳавонинг ўртача температураси 8 даражагача фарқ қилади.

Ўзбекистонда бутун йил бўйи, шунингдек кечаю-кундуз давомида ҳаво температурасининг жуда ўзгариб туриши характерлидир. Ёзда температура 42° гача борса, қишда — 32° гача тушади.

Қора совуқлар октябрь охири—ноябрь бошларида тушади, кечки совуқлар апрелда ҳам бўлади.

Ўзбекистонда совуқ бўлмайдиган давр ўрта ҳисоб билан 200 кун ҳисобланади, тоққа кўтарилган сайин бу давр қисқара боради.

Қиш фаслида (декабрь-январь) ҳавонинг мутлақ намлиги ҳаммадан кам бўлиб, 3,5 миллибар, июнда 11,3 миллибар, ўрта ҳисоб билан бир йилда 6—8 миллибарга тенг бўлади.

Январда ҳавонинг нисбий намлиги 70—80 процентга борса, ёз ойларида 35—40 процентга тушиб қолади, баъзан эса 10—15 процентга ҳам тушади.

Саратонда айрим кунлари ҳавонинг нисбий намлиги лалми ерларда 7 процентга тушиб қолгани маълум.

Бутун республика территориясида ёғингарчилиكنинг маълум мавсумга тўғри келиши характерлидир. Шунга кўра бутун йилни икки даврга бўлиш мумкин: биринчи давр октябрдан апрелгача давом этиб, нам давр деб аталади, бу даврда намлик тўпланади; иккинчи давр апрелдан октябргача давом этиб, намликнинг сарфланиш даври ёки қуруқ давр деб аталади.

Чўл-саҳроларда ёғингарчилик кам (80 мм дан 200 мм гача) бўлади, асосан йилнинг совуқ вақтида (март ойида кўпроқ) кўрилади.

Тоғ олдиларига яқинлашган сайин ёғин миқдори ошиб, 400—500 мм га етади. Шунга кўра, тоғ олди районларида тупроқдаги табиий намлик запасларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш мумкин (лалми деҳқончилик).

Текисликларда ҳам, тоғ олдиларидаги пастак ерларда ҳам, қиши билан кўкламда тўпланган намлик запаслари пахта етиштиришга камлик қилади. Шунинг учун сунъий суғориш зарур бўлади. Тоғли зонада ёғингарчилик кўпроқ бўлади ва баҳорги нам давр узоқроқ давом этади. Бу ерда ёғоч ва бута ўсимликлар суғорилмасдан ўса беради. Текисликларда, айниқса уларнинг очиқ қисмида шамол қаттиқ бўлади (шимолий ва шарқий шамоллар устун туради).

Мирзачўлнинг жануби-шарқий қисмида, Урсатьевская станцияси атрофларида шамол айниқса қаттиқ бўлади. Секундига 15 метрдан ортиқ тезлик билан эсадиган жануби-шарқий шамоллар йилига 48 кунгача бўлади, уларнинг тезлиги баъзан секундига 30 метргача боради. Бухоро областида шамолнинг ўртача тезлиги секундига 4—5 метр, кўпинча секундига 10 метргача боради.

Ёз вақтида эсадиган қуруқ ва иссиқ шамол — гармсел кўпроқ зарарлидир. Масалан, лалми ерларга дон экадиган «Галлаорол» совхози атрофларида гармсел эсганда ҳаво температураси бирданига кўтарилиб, одатда 30° дан ошади. Баъзан ҳавонинг намлиги тезлик билан пасайиб, баъзан 13—7 процентга тушиб қолади, айти вақтда шамол анча тезлашиб, айрим ҳолларда унинг тезлиги секундига 9 метрга етади.

Ўзбекистонда об-ҳаво ғоятда тез ўзгариб туради. Ҳаво гоҳ айнаиб, гоҳ илиб турадиган совуқ қишдан кейин ёмғирли иссиқ кўклам келади ва ёмғирли кўкламдан кейин жазирама ёз бошланади.

Ўзбекистонда қиш узоқ бўлмайди, қор кам ёғиб, узоқ турмайди, айниқса жанубий районлардаги текислик ва тоғ олдиларида қор дарров эриб кетади. Қаттиқ шамол эсадиган жойларда ерга бир текис қор тушмайди. Баъзи жойлардаги қорни шамол бутунлай учуриб кетса, бошқа жойларда уйиб қўяди.

Далаларни иҳота қилувчи дарахтзорлар ерда қорнинг текис тақсимланишига ёрдам беради. Бу эса айниқса

лалми ерлардаги кузги дон экинлари учун, шунингдек яйлов ўсимликлари учун тупроқда нам тўпланиши учун катта аҳамиятга эгадир.

Қора совуқлар октябрь охирида-ноябрь бошларида тушади.

Республиканинг текисликларида ва тоғ олдиларида кўклам февраль-мартда бошланади. Кўклам даврида температура бир зайилда бўлмай, ўзгариб туради ва таллайгина ёмғир ёғади. Аммо кўкламда ҳаво исиб кетгандан кейин кўпинча бирданига совийди ва температураси кўпинча 0° гача тушади. Кечки совуқлар айниқса ёмон бўлиб, униб чиққан ғўзаларни, шунингдек мевани уриб кетади. Ўзбекистонда нам кўклам даври турлича: текисликларда 20—35 кун, тоғ олдиларида ва тоғларда 3—3,5 ой давом этади.

Ёз узоқ давом этиб, қуруқ ва иссиқ бўлади. Ёзда ёмғир ёғмайди. Суғориладиган районларнинг кўпчилигида ва лалми ерларда ёзда гармсел эсиб, қишлоқ хўжалик экинларига катта зиён етказилади.

Куз одатда қуруқ ва иссиқ келади. Куз иссиқ келган йилларда ҳаво яхши исиб, ёғоч ва буталарнинг вегетация даврини тугаллаб, қишга тайёрланиб олишига имкон беради.

Аммо кузда совуқ эртaroқ бошланиб (масалан, 1954 йилда), ёмғир ва қор ҳам ёғиши мумкин, шунинг натижасида дарахтлар ва айниқса мева дарахтлари қаттиқ зарарланади (етилмаган ёш новдаларини совуқ олади).

Мевазор боғларни қора совуқдан яхши сақламоқ учун боғларнинг атрофига, айниқса шамол ҳукмронлик қиладиган томонига ихота дарахтзорлари қилиб қўйиш керак.

2

10) Ўзбекистон тупроқлари

Ўзбекистон тупроқларининг асосий типлари — бўз ранг, ўтлоқ, ўтлоқ-тўқай, шўрхоқ, тақир ва тақирсимон тупроқлардир.

Тоғли зонада қорамтир, каштан ёки қўнғир тупроқлар кўпдир, бундай тупроқларда чиринди мўл бўлади.

Тоғ олдилари ва тоғ этакларидаги нишаб текисликларининг бўз тупроқлари, ўтлоқ ва ўтлоқ-тўқай тупроқлари кўпроқ учрайди.

Келиб чиқиш шароитига ва асосий хоссаларига қараб, бўз тупроқлар қорамтир, оддий, оч ва тақирсимон бўз тупроқларга бўлинади.

Қорамтир бўз тупроқларда чиринди кўпроқ (2—2,5 процентгача), чириндили қатлам қалинроқ ва карбонатлар 80—100 мм ва ундан ҳам пастроқда (чуқурроқда) бўлади.

Оддий бўз тупроқлар ўз хоссаларига кўра қорамтир бўз тупроқлар билан оқимтир бўз тупроқлар ўртасида туради. Оддий бўз тупроқлар сувни яхши ўтказди, шўрланмайди, чириндили қатлами юпқароқ ва чириндиси камроқ (1,5 процент) бўлади.

Оч бўз тупроқлар лёссдан вужудга келади, тоғ этакларидаги текисликларда ва пастак тоғ олдиларида (денгиз юзидан 300—400 м баланд ерларда) бўлади. Бундай тупроқларнинг чириндили қатлами бирмунча юпқа бўлиб, чириндиси жуда оз (0,8—1 процент) дир. Оч бўз тупроқлар остидан шўрланиши мумкин, шунинг учун уларни иккиламчи шўр босиши мумкин.

Тақирсимон бўз тупроқларнинг чириндили қатлами юпқа (20 см дан кам) бўлади. Улардаги чиринди миқдори 0,7—0,5 процентдан ошмайди. Сал-пал ва ўртача шўр бўлади. Физик хоссалари яхши бўлмайди.

Ўтлоқ ва ўтлоқ-тўқай тупроқлар республикада катта майдонни эгаллайди. Улар асосан пастак ерларда бўлиб, дарёларнинг водиларида кўпроқ вужудга келади. Бундай тупроқлар бутун ернинг доимо ўртача ёки доимо ортиқча намланиши натижасида келиб чиқади.

Бутун ернинг доимо намланиши ўсимликларнинг кўп-лаб ривожланишига сабаб бўлади, бу ўсимлик қолдиқларнинг секин чириши эса 40—60 см ли қатламда талайгина (2,5 процентгача) чиринди тўпланишига йўл очади. Сугориладиган ерлардаги ўтлоқ тупроқларнинг биологик активлиги юқори бўлади.

Ўтлоқ-тўқай тупроқлар ўтлоқ тупроқ билан тўқай тупроқ ўртасида туради. Улар ер ости сувлари кўтарилган районларда кўп учрайди.

Тупроқда ҳамиша озми-кўпми тузлар бўлади. Аммо осон эрийдиган, тупроқ унумдорлигига ёмон таъсир қиладиган тузлар миқдори одатда тупроқнинг оғирлигига нисбатан 0,25 ва ундан ортиқ бўлса, бундай тупроқлар амалда шўр босган деб ҳисобланади. Союз НИХИ маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда шўр босган ерлар умумий майдоннинг 50 процентидан ошади.

Тузлари кўп (1—2 процентдан ошадиган) ва шутартиқа экинларнинг ўсишига йўл қўймайдиган тупроқлар шўрхоқлар деб аталади. Шўрхоқларнинг қуйидаги

хиллари бор: «майин», «қатқалоқли», «нам», «қора» шўрхоқлар.

Тупроқ ҳосил қилувчи жинснинг шўрланганлиги, сувнинг пастак ерларда тўпланиши, сахро-чўл иқлимнинг мавжудлиги, сувнинг жуда ҳам кўп буғланиши, шунингдек ер ости сувларининг таъсири шўр тупроқларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тузлар бутун тупроқ қатламида ёки юза қаватларида (дастлабки шўрланиш стадияси) тўпланиши мумкин.

Ўзбекистонда далаларни ихота қилиб дарахт экиш тарихи

Оғир иқлим шароити — температуранинг баландлиги, ҳаво намлигининг камлиги, тез-тез гармсел эсиб туриши қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун ҳам, кишилар ҳаёти учун ҳам ноқулай шароит туғдирар эди, шу сабабли маҳаллий аҳоли ўша ноқулай табиий факторларнинг таъсирини камайитиришга қадимдан уриниб келади.

Деҳқонлар ўз томорқа ерларини гармселдан сақлаш учун теварак-атрофига дарахтлар (асосан мева дарахтлари ва техника дарахтлари) эккан; ирригация шохобчаларининг четига терак ва тол ўтқазган. Шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзор қилиш учун парклар ва хиёбонлар барпо этган. Революциягача бунинг ягона плансиз, стихияли равишда амалга оширилган, шунга кўра кўпинча фойдаси кам бўлган.

Октябрь социалистик революциясидан кейингина Ўзбекистон ССРда ихота дарахтзорлари барпо этиш ноқулай табиий ҳодисаларга қарши планли ҳужум тусини олди.

1924 йилдан бошлаб республиканинг Фарғона, Бухоро, Сурхондарё ва бошқа областларида суғориладиган ерларни босиб кетиш хавфи бўлган қумларни кўчмайдиган қилиб мустаҳкамлаш ишлари қизитиб юборилди. 1927 йилдан бошлаб Тошкент, Фарғона ва Самарқанд областларида тоғдан тушадиган сел сувларига қарши курашга киришилди. Аҳоли яшайдиган жойлар, айниқса ирригация шохобчаларининг бўйларига дарахтлар кўплаб ўтқазилди. 1937 йилдан бошлаб колхозларнинг далаларини ихота қилиш учун росмана кўчатзорлар барпо этишга киришилди.

Совет Ўзбекистонидан бир неча ўн йил мобайнида воҳрага яқин кўчма қумлар мустаҳкамлаб қўйилди, шунга

кўра барханлар ўртасидаги кўпгина пастак ерларда ҳозир қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилмоқда; тоғдан тушган кўпгина сел сувлари зарарсизлантирилди, — гармселни ва катта тезлик билан эсадиган шамолларни тўсиш учун бир қанча дарахтзорлар вужудга келтирилди; кўп ирригация шохобчаларининг бўйига дарахтлар экилди.

Сўнгги йилларда республиканинг Фарғона, Самарқанд ва Бухоро областларидаги колхоз ва совхозларнинг далаларини иҳота қилиш учун дарахтзорлар барпо этиш ишлари кенг авж олдириб юборилди. Самарқанд областидаги дарахтзорлар лалми ерларнинг қаттиқ табиий шароитида ўстирилаётганлигини айтиб ўтмоқ керак. Бу ерда Милутино давлат селекция станциясининг ва «Ғаллаорол» дон совхозининг далаларини иҳота қилиб турадиган 300 гектардан ортиқ дарахтзор бор. Тупроқ-иқлим шароити оғир эканлигига қарамай, лалми ерлардаги дарахтлар 7—8 ёшида бўйи 7—8 метрга боради, шамолни яхши тўсади, улар ёни-веридаги далаларга ҳозирданоқ фойда келтирмоқда.

Фарғона ва Бухоро областларининг суғориладиган районларида бирмунча қисқа вақт ичида (1953 — 1956 йилларда) бир неча минг гектар дарахтзор барпо этилди, жумладан ирригация шохобчаларининг бўйига биринчи қатор дарахт экиб қўйилди. 1956 йилнинг кўкلاميдагина Бухоро колхозлари ўз ерларидан 300 гектарини дарахтзор қилиб қўйдилар.

Ҳозирги вақтда Мирзачўлни ўзлаштириш юзасидан жуда катта ишлар қилинаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1958—1962 йиллар давомида Мирзачўл, Гулистон, Сирдарё, Верхне-волинск ва Ховос районларининг колхозларида 1600 гектар ерни дарахтзор қилиб далаларни иҳота қилиш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтдилар. Янги тузиладиган совхозларнинг ерларида 1958—1962 йилларда 5200 гектар дарахтзор барпо этиш Мирзачўл территориясини ташкил қилиш бош схемасида кўзда тутилган.

Бош схемага кўра, янги область марказини чанг бўронларидан ва кучли шамоллардан сақлаш мақсадида атрофни кўкаламзор қилиш учун 2800 гектар ер ажратилади. Район марказларининг атрофини кўкаламзор қилиш натижалари ҳозирданоқ кўзга кўриниб қолди. Шунингдек колхоз ва совхозларнинг посёлкалари ҳам кўкаламзор қилинади. Бундан ташқари, 1957—1960 йилларда

Сув хўжалиги министрлигининг барча йирик ирригация шохобчалари (мавжуд шохобчалар ва янги қурилаётган шохобчалар) ёқасига дарахт ва буталар ўтқазилади.

Далаларни ихота қилувчи дарахтзорлар.

Далаларни ихота қилувчи дарахтзорлар микроиқлим элементларига таъсир этиб, ва биринчи галда шамол кучини қирқиб, қишлоқ хўжалик экинларига фойда қилади. Дарахтзорларнинг ерга яқин ҳаво температурасига ва намлигига, тупроқдаги ва ўсимликлардаги сувнинг буғланишига, шунингдек қорнинг тақсимланишига ва умуман тупроқ шароитига таъсири уларнинг шамолни қанчалик тўсишига боғлиқ.

Дарахтзорларнинг шамол кучига таъсири

Жуда ҳам тезлик билан эсадиган шамоллар қишлоқ хўжалигига катта зарар етказади. Улар тупроқни қуритиш, ўсимликлардаги сувнинг беҳуда буғланишига сабаб бўлиш билан бирга, экинларни учириб кетиб, синдириб ва кум-тупроқ билан кўмиб, уларга катта шикаст етказади. Ўрта Осиёда тез-тез бўлиб турадиган иссиқ ва қуруқ шамоллар — гармсел айниқса зарарлидир.

Дарахтзорларнинг шамолни қанчалик тўсиши уларнинг қандай тузилганига, шаклига ва дарахтларнинг хилига боғлиқ. Дарахтзорлар асосан уч хил: шамол ўтмайдиган, шамол ўтадиган ва шамол кам ўтадиган қилиб барпо этилади.

Шамол ўтмай диган дарахтзорларда баланд дарахтлар билан бирга, тагида чакалаги ҳам бўлади; шамол дарахтзорнинг асосан устидан ўтади; дарахтзор этагида ҳаво ҳаммадан тинч бўлади, аммо дарахтзордан ошиб, ҳаво сийрак жойга ўтган шамол яқин орада яна аввалгидай тез эса бошлайди.

Шамол ўтадиган дарахтзорларда дарахтлар баланд бўлиб ўсади-ю, тагида чакалаги бўлмайди, шамол дарахтларнинг орасидан ўтар экан, тезлигини кам ўзгарттиради. Дарахтзордан бироз нарида шамол тезлиги жуда ҳам камаяди.

Шамол кам ўтадиган дарахтзорларнинг бошидан охиригача биртекис кичик-кичик камгаклари бўлади. Бундай дарахтзорлар шамол оқимининг тахминан учдан бир қисмини ўтказиб юборади. Шамол кам ўтадиган дарахтзорлар шамолнинг тезлигини камай-

тириб, «кучини қирқиб» фойда келтиради. Модомики шундай экан, колхоз ва совхозларнинг далаларини ихота қилиш учун шамол кам ўтадиган дарахтзорлар барпо этиш керак.

Дарахтлар ўсиб вояга етган сайин дарахтзорнинг фойдали таъсир этиш зонаси узая боради. Дарахтларнинг баландлиги 20 метр бўлса, дарахтзорнинг фойдали таъсир этиш зонаси 500 метр бўлади. Дарахтзордан турли масофада шамол тезлиги турли даражада камаяди.

Шамол тезлигининг қанчалик камайиши унинг дарахтзордан қанча масофада эсишига боғлиқ: шамол кам ўтадиган дарахтзорларда шамол тезлиги дарахтзор олдида кўпроқ камайиб, ундан узоқлашган сайин оша боради, яъни дарахтзорларда эса шамол тезлиги жуда тез ошиб боради.

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий текшириш институтининг кузатишларига қараганда, Бухоро областининг «Ленинизм» колхозида дарахтларнинг бўйи 6—7 метр бўлиб, шамол кам ўтадиган дарахтзорлар ўзидан 10 метр нарида шамол тезлигини 75 процент, 50 метр нарида 49—52 процент ва 200 метр нарида 35—40 процент камайтиради.

Самарқанд областидаги «Ғаллаорол» дон совхозида шамол ўтмайдиган дарахтзорлар ўзидан 25 метр нарида шамол тезлигини 30—60 процент, 50 метр нарида 25—30 процент ва 100 метр нарида 15—20 процент камайтиради. Бу ҳолда шамол оқими дарахтзорга яқинлашар экан, ундан ошиб кетади ва дарахтзор ичидан ўтган шамол оқими билан қўшилиб, унинг тезлигини оширади.

Шуни назарда тутсак, Ўзбекистоннинг колхоз ва совхоз далаларида шамол кам ўтадиган дарахтзорлар барпо этиш фойдалироқдир.

Дарахтзорларнинг ҳаво температураси ва намлигига таъсири

Далаларни ихота қилувчи дарахтзорлар шамол тезлигини пасайтириб ва вертикал ҳаво оқимларининг турбулентлик хоссасини камайтириб, ерга яқин ҳаво қатламнинг температурасига ва намлигига таъсир этади. Дарахтзорларнинг қандай таъсир этиши унинг тузилишига ва об-ҳаво шароитига боғлиқ. Одатда дарахтзорлар ўзи ихота қиладиган далаларни илтиб туради, бу эса иссиқ талаб экин—ғўзани ўстириш учун қулай шароит туғдиради.

Суғориладиган ерларда дарахтзорлар билан ўралган

даладаги ҳаво температураси очиқ даладагига нисбатан бир мавсумда ўрта ҳисоб билан 0,5 — 2° юқори бўлади. Лалми ерларда бу фарқ 3° гача боради.

Ҳавонинг намлиги унинг температурасига ва шамол оқимига чамбарчас боғлиқ. Дарахтзорлар шамол тезлигини қанча кўпроқ камайтирса, ҳавонинг намроқ қатламлари тупроқ юзасида ўшанча узоқроқ ушланиб туради. Очиқ ерларда ҳаво тезроқ алмашинади ва нам ҳаво қатламлари тезроқ кўтарилиб кетади, шунга кўра дарахтлар билан ўралган даладаги ҳаво намлиги очиқ даладагига қараганда бирмунча юқори бўлади. «Ленинизм» колхозида ўтказган кузатишларимизга қараганда, дарахтзорлар олдида ҳавонинг нисбий намлиги шу дарахтзордан 300 метр наридагига қараганда 3—20 процент ортиқ бўлиши мумкин. Бу тафовут мавсумга ва кузатиш вақтига боғлиқ. Ёз фаслида ва кундуз кунини бу фарқ кечқурун ва эрталабки соатлардагига қараганда ортиқроқ бўлади.

Лалми ерларда дарахтзорлар ҳаво намлигини бир мавсумда ўрта ҳисоб билан фақат 4—5 процент оширади. Баҳор ойларида бу фарқ 10 процентга етиб қолади ва ундан ҳам ошади. Сабаби шуки, кўкламги ёғингарчилик даврида тупроқ яхшироқ намланади, ёз даврида эса ёғингарчилик мутлақо бўлмаганидан тупроқ жуда қуриб қолади. Лалми ерлардаги қуруқ шароитда қишлоқ хўжалик экинларига шу 4—5 процент намлик ҳам фойда қилади.

Дарахтзорларнинг тупроқ намлигига таъсири

Далаларни ихота қилувчи дарахтзорлар шамол кучини қирқиб, дарахтзорлар билан ўралган ерларда сувнинг буғланишини камайтиради. Масалан, В. А. Бодровнинг маълумотларига қараганда, дарахтзорлар сувнинг буғланишини 25 процент камайтиради.

Ўрта Осиёнинг ўзига хос шароитида дарахтзорларнинг бундай фойдали таъсири алоҳида аҳамиятга эгадир. Дарахтзорлар бўлганда қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга сув камроқ сарф бўлади.

Қишлоқ хўжалик экинлари суғорилмасдан, ёғингарчилик даврида тўпланган намликдан баҳра олиб ўсадиган лалми ерларда сувнинг беҳуда буғланишини камайтириш экинлардан кўпроқ ҳосил олишга имкон беради. «Ғаллаорол» дон совхозида ўтказилган кузатишларга қара-

эса лалми ерлардаги деҳқончилик учун катта аҳамиятга эгадир. Дарахтзорлар бўлмаганда, шамол қорни пастак ерларга қисман ёки бутунлай учириб тушган бўлур эди.

Далаларни ихота қилувчи дарахтзорларнинг экинлар ҳосилига таъсири

Далаларни ихота қилувчи дарахтзорлар микроиқлимнинг асосий элементларига қандай таъсир этишини билиб олгач, уларнинг экинлар учун қулай шароит туғдиришига ишондик. Маълумки, кучли шамоллар ва гармсел экинларга турлича зарар етказди. Дарахтзорлар шамолнинг кучини қирқиб, экинларнинг «иссиқ нафас олишини» камайтириб, зарарланишдан сақлайди. Дарахтзорлар шамол оқимига таъсир этар экан, микроиқлимнинг бошқа элементларини ҳам яхшилайди.

Умуман, ихота дарахтзорлари таъсир этадиган ерларда экинларнинг эҳтиёжларига кўпроқ мос келувчи шароит вужудга келади, шунга кўра, экинлар очиқ далалардагига нисбатан яхшироқ ўсиб ва ривожланиб, юқори ҳосил беради. Дарахтзорлар — экинлар ҳосилини оширишга қаратилган агротехника тадбирларидан биридир. Дарахтзорлар билан ўралган далаларда юқори агротехника қўлланилган тақдирда экинлар ҳосили янада кўпроқ кўтарилиши тажрибадан маълум.

Ўзани парвариш қилишда агротехника фанининг ҳамма ютуқларидан фойдаланадиган колхоз ва совхозларда далаларни ихота қилувчи дарахтзорлар пахта ҳосилига катта таъсир кўрсатади. 1947 йилда «Пахта-орол» совхозида А. М. Коротун ўтказган текширишларга қараганда, баландлиги ўрта ҳисобда 20 метрга борадиган дарахтзорлар пахта ҳосилини 20 процентча оширади.


Сўнгги йилларда Бухоро областида Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-текшириш институтининг ўтказган кузатишлари шунини кўрсатдики, дарахтлари 5 — 6 яшар бўлиб, баландлиги 7 — 8 метрга етган дарахтзорлар ўзанининг ўсишига ва ривожланишига анча яхши таъсир этар экан. Дарахтзорлар билан ўралган далалардаги ўза одатда авж олиб ўсиб, гул ва кўсакларини кўпайтирар экан. Микроиқлим шароити яхшиланганидан кўсаклар эртароқ очилиб, очиқ далалардагига қараганда камроқ кўрак қолар экан. «Ленинизм» колхозида ихота дарахтзорларининг ҳолатига қараб, пахта ҳосили гектарига 4—6 центнердан, яъни 10—25 процентдан ошди. Айни вақтда

шуни назарда тутиш керакки, дарахтзордаги дарахтлар ўсган сайин узоқроқ таъсир этади, шу муносабат билан экинлар ҳосили янада кўтарилади.

Далми районларда далаларни иҳота қилувчи дарахтзорлар баландлиги 5—6 метр бўлганда 75 м атрофдаги донли экинлар ҳосили гектарига 3—4 центнер, 100 м атрофдаги донли экинлар ҳосили эса 0,5—2 центнер ошади.

Умуман, дарахтзорларнинг аҳамиятига келганда шуни айтиб ўтиш керакки, улар ўзининг асосий вазифаси — экинлар ҳосилини ошириш билан бирга ёғоч, ўтин, мева, техника хом ашёси ҳам беради. Дарахтзорлар зарарли ҳашаротларни кўплаб қирадиган фойдали қушларни чорлайди. Ниҳоят, далаларни иҳота қилувчи дарахтзорлар меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шароит туғдириб, айниқса чала чўллар зонасида санитария-гигиена шароитини яхшилайди ва кишига завқ беради. ✓

Далаларни иҳота қилувчи дарахтзорлар фойда келтириш билан бирга муайян шароитда баъзи салбий ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Шамол суст ўтадиган дарахтзорларнинг этагига яқин зонада совуқ ёки иссиқ



Бухоро областидаги «Ленинизм» колхозининг далаларини иҳота қилувчи дарахтзор.

ҳаво массаси туриб қолиб, экинларга зарар етиши мумкин. Лалми ерларда бундай дарахтзорлар қорнинг текис тушмаслигига, шамол тегадиган чеккасида қорнинг уйилиб қолишига сабаб бўлади. Дарахтзорларнинг четдаги қаторларида сада бўлиб ўсадиган ва илдизи ёнига қараб кетадиган дарахтлар бўлса, шох-шаббаси қишлоқ хўжалик экинларига соя қилиши ёки уларнинг илдизини яхши ўстирмай қўйиши мумкин.

Аммо дарахтзорлар катта фойда келтирганидан бу салбий ҳодисалар айтирли роль ўйнамайди; дарахтзорлар усталик билан барпо этилган тақдирда бундай ҳодисаларнинг ҳамиша олдини олиш мумкин.

Далаларни иҳота қилувчи дарахтзорларни жойлаштириш

✓ Далаларни иҳота қилувчи дарахтзорларни барпо этишда муҳим масалалардан бири — уларни тўғри жойлаштиришдир. Дарахтзорлар шундай жойлаштирилгандагина кўпроқ фойда беради. Дарахтзорлар бир-бирига кўндаланг қилиб жойлаштирилганда, яъни бутун территорияни қоплайдиган муайян системани ташкил этганда кўпроқ фойда келтиради. Дарахтзорларни жойлаштириш хўжалик территориясини умуман ташкил қилиш билан чамбарчас боғланади.

Далаларни иҳота қилиш учун дарахт экканда асосий дарахтзорлар ва ёрдамчи дарахтзорлар барпо этилади. Асосий дарахтзорлар кенгроқ бўлиб, қаттиқ эсадиган зарарли шамолларга кўндаланг қилиб жойлаштирилади. Ёрдамчи дарахтзорлар эса камбарроқ бўлиб, асосий дарахтзорларга кўндаланг қилиб жойлаштирилади.

Асосий дарахтзорлар ўртасидаги масофа одатда 400—500 метрдан, ёрдамчи дарахтзорлар ўртасидаги масофа эса 800—1000 метрдан ошмайди. Шундай қилиб, дарахтзорлар билан ўралган ерлар 40—50 гектарни эгаллайди, баъзан эса, ташкилий-хўжалик мулоҳазалари билан бир қадар кенгайтирилади.

Суғориладиган ерларда дарахтзорлар асосан колхоз ерларининг чегараларига, алмашлаб экиш далаларининг чегараларига, доимий ариқлар ва йўлларнинг ёқасига жойлаштирилади.

Лалми ерларда дарахтзорлар бирмунча бошқача жойлаштирилади. Бунда шамол келадиған томондан

ташқари, ернинг паст-баландлиги ва нураш ҳодисалари назарга олинади. Нураш ҳодисаларига йўл қўймаслик учун дарахтзорлар ёнбағирларнинг кўндалангига ва мумкин қадар ётиқ чизик бўйича жойлаштирилади.

• Дарахтзорларнинг кенглиги ва тузилиши

Далаларни ихота қилувчи дарахтзорларнинг кенглиги уларнинг қай мақсадда барпо этилишига ва жойлашиш ўрнига қараб турлича бўлиши мумкин. Масалан, далаларни ихота қиладиган ва нураш ҳодисаларнинг олдини оладиган дарахтзорлар текисликларда далаларни фақат ихота қиладиган дарахтзорларга нисбатан ҳамиша кенг-роқ бўлади.

Дарахтзорларнинг кенглигини белгилаганда ҳамиша дарахтларнинг биологик чидамини ва қанчалик узоқ яшашини назарда тутиш керак. Тегишли муҳит шароити барпо этилганда—подстилка, муайян ҳаво ва сув режими ва бир қадар соя бўлгандагина дарахтлар биологик жиҳатдан чидамли бўлиб, узоқ яшайди. Ернинг бир қадар соя бўлиши дарахтларнинг ўсиши учун қулай шароит туғдиради ва бегона ўтлар чиқишини қийинлаштиради.

Ўзбекистоннинг суғориладиган районларида далаларни ихота қилувчи дарахтзорларнинг кенглиги шамолнинг кучига ва нечоғлик зарар етказишига қараб 15—20 метр қилинади. Масалан, Қўқон-группа районларида шамол ўрта ҳисоб билан секундига 7,6 метр тезлик билан эсади, Бухоро областида шамолнинг тезлиги ўртачадан кам (секундига 4,5 метр) бўлса ҳам, гармсел эсиб туради, шунинг учун бу область ва районларда асосий дарахтзорларнинг кенглигини 15—20 метр, ёрдамчи дарахтзорларнинг кенглигини 6—12 метр қилиш маъқул топилган.

Лалми ерларда шамол кучидан ташқари нураш ҳодисалари ҳам назарда тутилади. Шунинг учун бундай ерларда асосий дарахтзорларнинг кенглиги 21—30 метр, ёрдамчи дарахтзорларнинг кенглиги 10 метр қилинади.

Дарахтзорларнинг тузилиши уларнинг кенглигига чамбарчас боғлиқ. Дарахтзорларни шамол кам ўтадиган қилиб тузиш кўпроқ фойдалидир. Бунда дарахтларнинг таналари шамолни 40 процентдан ортиқ ўтказмайди, шох-шаббаси эса 20—30 процентдан ортиқ ўтказмайди.

Дарахтзорларнинг тузилиши унинг энига, шунингдек дарахт ва буталарнинг хилига қараб белгиланади. Шунга кўра, далаларни ихота қилувчи дарахтзорларни барпо

этганда турли дарахт ва буталарни қўшиб экиш схемалари айниқса пухта ишлаб чиқилади.

Дарахт ва буталарнинг хиллари

Ўзбекистон ССР районларининг тупроқ-иқлим шароити жуда хилма-хилдир. Республикада суғориладиган ва суғорилмайдиган, шўр босмаган ва бир қадар шўр босган ерлар бор. Уларнинг механик таркиби ва сув режими ҳар хил эканлигини айтиб ҳам ўтирмаймиз. Айрим районларда ҳаво температураси жуда ҳам кўтарилиб ва жуда ҳам пасайиб туради, шамол кучи катта фарқ қилади.

Юқорида айтилган муҳит шароитига қараб дарахт ва буталарнинг хиллари танлаб олинади.

Далаларни ихота қилиш мақсадида экиладиган дарахтлар асосий, йўлдош дарахтлар ва буталарга бўлинади. Шулардан ҳар бири муайян вазифани ўтайди. Биологик жиҳатдан чидамли, узоқ яшайдиган, бўйига зўр бериб ўсадиган дарахтлар асосий дарахтларга киради. Улар ҳар бир дарахтзорнинг асоси ҳисобланади. Йўлдош дарахтлар бир оз пастроқ бўйли бўлиб, камроқ яшайди. Уларнинг асосий вазифаси—асосий дарахтларнинг ўсиши учун қулай шароит туғдиришдир. Буталар тупроқни ювилиб кетишдан сақлайди, уларнинг илдизлари эса тупроқ структурасини яхшилайдди.

Тупроқни шўр босиши дарахт ва буталарнинг яхши авж олиб ўсишига йўл қўймайди, шунинг учун дарахт ва буталарнинг хилини танлаганда уларнинг шўрга чидамига алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистонда далаларни ихота қилиш учун ярайдиган бир қанча қимматли ва тез ўсадиган дарахт ва буталар бор. Улардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: дарахтлардан — оқ акация, ўрик (абрикос), қайрағоч, оддий гледичия, нок, дуб, тол, заранг, ёввойи заранг, оқ заранг, Татаристон заранги, нон жийда, қора ёнғоқ, пекан, чинор, қрим қарағайи, Болле тераги, қора терак, мирза терак, Виргин хурмоси, олма, Пенсильвания шумтоли; буталардан—сарик акация, аморфа, япон беҳиси, бирючина, маржон дарахт, дукчўп (учқат), ёввойи жийда, скумпия, тёрн.

Шўр босган ёки шўр босадиган ерларга шўрга чидамли дарахт ва буталар экилади. Булардан қуйидагиларни кўрсатиб бериш мумкин: ўрик, оқ акация, япон беҳиси, аморфа, қайрағоч, гледичия, тоғ ноки,

ёввойи нок, дуб, дукчўп (учқат), Татаристон заранги, оқ тол, ёввойи жийда, скупния, тёрн, Болле тераги, оқ тут, ёввойи олма, маймун жийда.

Лалми ерларда яхши шароит бўлса, дарахт-зорларга оқ акация, ўрик, қайрағоч, гледичия, нок, дукчўп, жийда, ёввойи заранг, Семенов заранги, Сўғдиён шумтоли, Пенсильвания шумтоли, олма экиш мумкин. Тоғларда ўсадиган ва қурғоқчиликка кўпроқ чидайдиган жайдари дарахт ва буталардан pista, унаби, Бухоро бодоми, олича, шунингдек заранг ва шумтолнинг жайдари турларини экиш керак.

Дарахт ва буталардан ҳар бир турининг биологик хусусиятларини назарда тутиб, аралаштириб экилади; биологик хусусиятлари бир-бирига ўхшайдиган икки турни ёнма-ён ўтқозиш маслаҳат кўрилмайдиган. Одатда шох-шаббаси кам бўладиган дарахтларнинг ёнига тупроқни ювилиб кетишдан сақлаш мақсадида бута экилади.

Дарахт ва буталарнинг ҳар хил турларини қўшиб экиш схемасида асосий тур 30—50 процент бўлиб, дарахтзорнинг юқори ярусини ҳосил қилади. Иккинчи ярус иккинчи даражали турлардан тузилади.

Дарахт ва буталар қатор-қатор қилиб аралаштириб экилади, баъзан қаторнинг ўзига ҳам аралаштириб экилади.

Мева ва техника хом ашёси олиш мақсадида дарахт-зорларга 10—15 процент миқдорда мева ва техника дарахтлари ҳам буталар экилади.

Далаларни ихота қилиш учун дарахт экиб ўстириш агротехникаси

Суғориладиган ерларда ҳам, лалми ерларда ҳам дарахт экиб ўстиришда ерни тайёрлашга катта аҳамият берилади. Дарахт ва буталарни экишдан олдин ерни ўбдон текислаб олиш керак: ер қанча текис бўлса, тупроқ ўшанча текис намланади. Дарахт ва буталар экиладиган ерлар машинада текисланади, зарур машиналар бўлмаса, қўл кучи билан текислана беради.

Ер кузда асосан тайёрлаб қўйилади: ғўзапоя юлинадиган, шудгорланади, хокоб суви берилади ва шўри ювилади.

Пахта йиғиб-териш олингандан кейин ғўзапоясини дарров юлиб олинади, сўнгра чуқур қилиб ҳайдалади. Тупроқ остидаги шағал қатлами юза жойлашмаган бўлса, ер 35—40 см чуқурликда юмшатилади.

Шўр босган ерларни куз-қиш даврида суғориб, шўри ювилади, ер ости сувлари пастда бўлган, шўр босмаган ерларда ёгингарчилик кам бўлса, хоқоб суви бериш маъқул. Хоқоб суви бериш ва ернинг шўрини ювиш нормалари ҳамда муддатлари тупроқнинг хилига, механик таркибига, шўр босиш даражасига ва ер ости сувларининг қанчалик паст-баландда эканлигига қараб белгиланади.

Лалми ерларда дарахт ва буталар экиш учун уларни кузда шудгор қилиб қўйиш жуда яхши самара беради. Бунда намлик кўпроқ тўпланади ва сақланиб туради. Кузда шудгорланган ер келаси йили юмшоқ бўлиб ўт босмай туради.

Келаси йили эрта кўкламда ерни нам сақлаш ва униб чиққан бегона ўтларни йўқ қилиш учун бир-икки марта бороналанади, тупроқ қишда жуда зичлашиб қолган бўлса, дарахт ва буталарни экишдан олдин 18—20 см чуқурликда культивация қилинади, кетидан бороналанади. Дарахт ва буталарни экиш учун ажратилган жой трактор маркери ёки қўл маркери билан маркерланади (нишон тортилади). Қаторларнинг ораси 3 метрдан қилинади. Шундай қилинса, пахтачиликда ерни юмшатиш учун ишлатиладиган асбоблар бемалол ўта олади.

Кўчатлар ва уларни ўтқозишга тайёрлаш

Далаларни ихота қилиш мақсадида дарахтзорлар барпо этиш учун аъло сифатли стандарт кўчатлар экилади. Тез ўсадиган оқ акация, гледичия, заранг, шумтол каби дарахтларнинг экма кўчатини ўтқозиш маъқул. Секин ўсадиган дуб, игна баргли дарахтларнинг ўтқозиладиган кўчатларини экиш керак; қаламчадан кўпаядиган дарахт ва буталарнинг илдиз олган қаламчалари ўтқозилади.

Йирик уруғли дарахтлар (дуб, ёнғоқ, ўрик ва шу кабилар)ни доимий жойига экиб ўстириш мумкин.

Кўчатлар ўтқозиладиган жойига яқин орадаги давлат ёки колхоз кўчатзоридан олиб келинади. Кўчатларни ташиганда айниқса илдизлари ўбдон бекитилади, чунки илдизи салгина қуриб қолса ҳам, яхши тутмайди. Ўзбекистон шароитида кўчат ташиганда уларни беркитиб бориш учун машинанинг кузовига нам похол ёзилади, устига экма кўчатлар илдизини ичкарига қилиб боғ-боғ қилиб қўйилади. Машина кузови тўлгандан кейин экма кўчатларнинг устига нам похол ташланади (бу гал похол

қалинроқ қилиб солинади), сўнгра кузовнинг устига брезент ёпилиб, арқон тортилади. Кўчатлар ўтқазиладиган жойига етказиб борилгач офтоб тушмайдиган нам жойга дарҳол кўмиб қўйилади (кейин олиб ўтқазилади). Дарахт ва буталарнинг ҳар бир тури алоҳида кўмилади. Кўчатларни ўтқазилган олдин сараланади, илдизи чириган кўчатларнинг ҳаммаси бракка чиқарилади. Ўтқазилган учун танлаб олинган барча эрма кўчатларнинг илдизларини ўткир пичоқ ёки секатор билан учидан чилпиб, суяқ лойга тиқиб олинади.

♥ Кўчат ўтқазил

Далаларни ихота қилиш мақсадида дарахтзорлар барпо этиш учун кўчатларни кузда ва кўкламда ўтқазил мумкин, лекин эрта кўкламда экилса яхшироқ бўлади.

Кўчат ўтқазадиган машиналар (СЛЧ-1) бўлса, кўчатлар шундай машиналарда экилади. Одатда кўчат ўтқазадиган бир неча машина баравар ишлайди. Ҳар бир машинага кўчат ўтқазувчи икки киши ва кўчатни тўғрилаб қўювчи бир киши қарайди. Кўчат ўтқазувчилар машинанинг ўнг ва чап томонида туриб, сошник ичига биттадан эрма кўчат соладилар-да, илдизлари кўмилганча ушлаб турадилар. Кўчатларни тўғрилаб қўювчи киши эса кўчатларни тўғрилаб боради, яхши ўтқазилмаган кўчатларни эса бошқатдан ўтқазди.

Кўчат ўтқазадиган машиналар бўлмаса, кўчат қўлда ўтқазилади. Ўрта Осиёда дарахт ўтқазилш учун одатда 40×40 см катталиклдаги ва 30—35 см чуқурликдаги чуқур қазилади. Кўчат ўтқазувчилар иккитадан бўлиб ишлаб, бири чуқур қавлайди ва кўчат атрофига тупроқ тортади, иккинчиси кўчатни чуқурга солади, илдизларини ёзади ва кўчат атрофига ташланган тупроқни пешма-пеш зичлаштиради. Тупроқ чўкиб кўчатнинг илдиз бўйини очилиб қолмаслиги учун тупроқ одатда 3—4 см баландроқ қилиб уйилади. Кўчатларни ўтқазганда илдизларига эътибор бериш керак, илдизларининг учлари қайрилиб қолишига ва атрофи бўш қолишига йўл қўйилмайди: илдизларга тупроқ зич ёпишиб туриши керак.

Кўчатларни ўтқазиладиган жойига бир киши челақда (тагига озгина сув солиб) олиб боради. Бу киши кўчат ўтқазаетган бир неча группа кишига кўчат етказиб бериб туради.

Дарахт ва буталарни парвариш қилиш

Кўчатлар яхши авж олиб ўсиши учун уларни ўтқазгандан кейин тупроқнинг намланиши ва ҳаво кириб туриши учун дарҳол қулай шароит туғдириш керак. Кўчат ўтқозиш вақтида зичлашиб қолган қатор оралари шу мақсад билан биринчи галда бороналанади, қаторлардаги тупроқ ҳам юмшатилади. Шундан кейин, кўчат ўтқазилган ер суғорилади, қатор ораларига чигит экилгунча бир-икки марта суғорилади ва культивация қилинади.

Чигит экилгандан кейин ғўза қатор ораларини ишлаш дарахт ва буталарнинг кўчатларига ҳам фойда беради.

Қатор ораларига бирон сабаб билан чигит экилмаса, дарахтлар шохлагунча полиз экинларидан экиб туриш керак.

Кўчат ўтқазилган ерлар биринчи ва иккинчи йили камида 7—8 марта суғорилади, 4—5 марта культивация қилинади ва 4—5 марта чопилади.

Дарахтларнинг шох-шаббаси одатда учинчи йили бир-бирига тутшиб кетади, шундан кейин қатор ораларига пахта ва бошқа экинлар экилмайди, аммо яна икки йилгача 2—3 марта юмшатиб ва 5—6 марта суғориб турилади. Дарахтлар беш яшар ва ундан каттароқ бўлгач ўсиш даврида фақат 2—3 марта суғорилади.

Суғорилмайдиган районларда (яъни лалми ерларда) ўтқазилган ёш кўчатларни парвариш қилишда кузги шудгор усули қўлланилади. Бу усул кўпроқ нам тўплаш ва уни тежаб сарфлашга қаратилгандир.

Турли ёшдаги дарахтлар ўсаётган ерни ишлашдан ташқари, дарахтларнинг ҳолатига доим қараб турилади, касалланганлиги ёки зарарли ҳашаротлар тушганлиги пайкалса, дарҳол йўқ қилиш чоралари кўрилади.

Дарахтлар вояга етиб, шох-шаббаси тутшиб кетганда сийраклатиб турилади, қуруқ ва ортиқча шохлари кесиб турилади.

Дарахтзорларни мол пайхон қилмаслиги учун колхоз ёки совхознинг ҳар бир бригадасида махсус кишилар ажратилади, улар ўз бригадасидаги дарахт ва буталарнинг шикастланмаслиги учун жавобгар бўлади.

Шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзор қилиш

Аҳоли яшайдиган жойларни обод қилишда дарахт ва буталарнинг жуда катта аҳамияти бор. Кўкаламзор-

лар одамнинг ҳаёти учун шу қадар муҳимки, кўкатсиз бирор шаҳарни ёки аҳоли яшайдиган жойни кўз олдига келтириш қийин.

Кўкаламзорлар — парк, боғ, хиёбонлар одамнинг баҳрини очади, димоғини чоғ қилади.

Кўкаламзорларнинг асосий вазифаси шундан иборатки, дарахт ва буталар бир талай чанг, тутун, газ ва шунга ўхшаш нарсаларни тутиб қолади. Улар ёруғда карбонат ангидрид газини ютиб, одам ва ҳайвонларнинг нафас олиши учун зарур бўлган кислород газини чиқариб, ҳавони тозалайди. Баъзи дарахтлар ҳавога фитонцидлар чиқаради. Фитонцидлар—учувчан махсус моддалар бўлиб, касаллик микробларни ўлдиради. Дарахт ва буталар бир талай сувни буғлантириб, ҳавонинг температурасини ва намлигини тартибга солади, шамол тезлигини анча камайтиради. Дарахтлар аҳоли яшайдиган жойларни чанг-қум бўронлари ва гармселдан сақлайди. Бу эса Ўрта Осиё республикалари учун жуда муҳимдир.

Дарахт ва буталар ёнғиннинг олдини олиш учун ҳам бир қадар фойдалидир.

Аҳоли яшайдиган ҳар бир жойни кўкаламзор қилиш меҳнаткашларнинг ва болаларнинг дам олиши ҳамда ҳордиқ чиқариши учун ҳам зарур.

Бунинг устига кўпгина дарахт ва буталардан ширин мева, техника хом ашёси, ёғоч, ўтин ва шунга ўхшаш нарсалар олинади.

Шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойлар турлича кўкаламзор қилинади. Аҳоли яшайдиган жойларнинг атрофида ўрмон ёки ўрмон парк типигаги кўкаламзорлар барпо этилади. Улар асосан аҳолини ташқаридан келувчи ноқулай таъсирлар (шамол, чанг-қум бўрони ва шу кабилар)дан сақлайди.

Ўўллар ва ирригация шохобчалари асосан хиёбон шаклида кўкаламзор қилинади.

Ҳовузлар ва ҳар хил сув омборлари олган ўрнига ва катта-кичиклигига қараб кўкаламзор қилинади. Баъзан уларнинг атрофига бир-икки қатор дарахт ва буталар экилади, баъзан эса парк ва ўрмон парклари вужудга келтирилади.

Шаҳар аҳолисининг зичлигига ва шаҳарнинг катта-кичиклигига қараб, унинг турли қисмларида парклар барпо этилади.

Кўпчилик фойдаланадиган кўкаламзорлардан ташқари, касалхоналар, болалар уйлари, мактаблар, муассаса-

лар, ўқув юртлари, фабрика ва заводлар, шунингдек коммунал ва хусусий ҳовлилар ҳам албатта кўкаламзор қилинади. Қишлоқ жойларда МТС территориялари, колхоз фермалари, дала шийпонлари, кўчалар ва колхозчиларнинг томорқалари кўкаламзор қилинади.

Йўлларни кўкаламзор қилиш

Йўл ёқасидаги дарахт ва буталар бир қанча вазифани ўтайди. Аҳоли яшайдиган жойлардаги автомобиль-арава йўлларининг ёқасига экилган дарахт ва буталар тротуарда кетаётган кишиларни чанг ва лойдан сақлайди, шов-



Тошкент шаҳрининг Пушкин кўчаси охиридаги
хиёбон (1956 йил кузи).

қинни камайтиради, аynи вақтда йўлга ҳусн бўлиб тушади. Бундан ташқари, дарахт ва буталар йўлни ва тротуарни соя қилиб, уларни офтобда қизиб кетишдан сақлайди.

Йўл ёқасидаги дарахт ва буталар яқин далалардаги экинларни чангдан сақлайди ва, шу тариқа, ўсимликларда физиологик процессларнинг нормал равишда ўсишини таъминлайди. Бундан ташқари, йўл ёқасидаги дарахт ва буталар шамол кучини қирқиб, ҳаво температурасини пасайтириб, далаларни иҳота қилади.

Одатда йўлнинг кенглигига, олган ўрнига ва вазифасига қараб дарахт ва буталар йўлнинг ҳар томонига 1—2—3—4 тадан қатор қилиб экилади. Буталар дарахтлар билан бир қатор қилиб ёки махсус қаторга зич қилиб экилади.

Темир йўл ёқасидаги дарахт ва буталар айниқса катта роль ўйнайди. Улар темир йўлни қум босишидан сақлайди. Ўрта Осиёда темир йўлни қум босиш ҳодисалари учраб турганидан бунинг катта аҳамияти бор. Қиш даврида дарахт ва буталар темир йўлни қор босиб қолишидан сақлайди.

Темир йўл ёқасидаги дарахтлар паста шамол ўтмайдиган қилиб ва юқориси шамол ўтадиган қилиб ўстирилса, фойдаси каттароқ бўлади.

Темир йўл ёқасидаги дарахтзорлар одатда бир-биридан 20—30 метр нарида турувчи бир неча дарахтзордан иборат бўлади.

Ўрта Осиё шароитида темир йўл ёқасида дарахтзорлар барпо этганда дарахт ва буталарнинг хилига эътибор берилади. Иқлим шароитини назарда тутиб, қурғоқчиликка кўпроқ чидайдиган дарахт ва буталар кўпроқ экилади. Қумлоқ ерларга қумни ушлаб қоладиган дарахт ва буталар ўтқазилади.

Тоғли жойлардаги дарахт ва буталар сувни ушлаб қолади


Республиканинг тоғли районларида дарахт ва буталар сув тутиш ва тупроқни ювилиб кетишдан сақлашда жуда катта роль ўйнайди.

Тоғларда тупроқнинг нураши, сел сувларининг йўл ва каналларни уриб кетиб, колхоз далалари, боғ ва қишлоқларни босиши халқ хўжалигига катта зиён етказди. Бундан ташқари, сел келганда тупроқнинг унумдор қавати ювилиб кетади, бундай ерларда ўтсимон ўсимликларнинг яхши хиллари қолмайди.

Тоғли ерларнинг ҳосилдорлигини оширадиган тадбирларга уларни иҳота қилиш учун дарахт экиб ўстириш

ишлари ҳам киради. Тоғли жойларда дарахтзорлар барпо этиш сел сувларининг олдини олишга, сув режими яхшилашга ва тупроқнинг нурашини тўхтатишга ёрдам беради.

Дарахт ва буталар тупроқ структурасини яхшилаб, сувни тутиб қолади ва тупроқни ювилиб кетишдан сақлайди. Дарахт ва буталарнинг шох-шаббасида ёғин-сочин суви анча ушланиб қолади, шунга кўра, сувнинг тупроқни емириш кучи камаяди, дарахт ва буталарнинг



Кўкаламзор йўл.

бақувват илдизлари тупроқни ювилиб, сурилиб кетишдан сақлайди.

Тоғларда одам қўли билан яратилган энг яхши дарахтзорлар Омонқўтон, Оқтош далалари ҳавзасида ва Фаргона водисидадир. Улар ўтган асрнинг 80-йилларида барпо этилган бўлиб, ҳали ҳам бор.

Ҳозирги вақтда Оқтош ва Омонқўтон ёнбағирларида ёнғоқ, дуб, оқ акация, Болле толи, оддий шумтол; мева-лардан олма, ўрик, писта, бодом, дўлана ва олича яхши ўсади. Дуб, оқ акация 40 ёшида бўйи ўрта ҳисоб билан 10—15 метрга етади. Омонқўтонга ўтқазилган Қрим қарағайи яхши ўсмоқда. Ҳозир бу дарахтлар етилиб, бўйи 13 метрга етган; улар нормал ривожланиб, мева қилмоқда.

Бир вақтлар кўп харобагарчиликлар ўчоғи бўлган шу ҳавзаларда дарахтзорлар барпо этилиши мазкур жойларнинг сув режимиға фойдали таъсир этди, яъни ёғингарчилик бўладиган даврда сувнинг исроф бўлишини камайтирди.

Тоғларда лалми ерларда дарахт ва буталарни бема-лол экиб ўстириш уларнинг хилини, аралаштириш, яъни жойлаштириш типларини тўғри танлашға, қиш-кўклам даврида ёғингарчилик сувлари тупроқда кўпроқ ушлана-диган қилиб парвариш қилишға боғлиқ эканлиги илм-фанда исбот этилган, практикада эса текшириб кўрил-ган.

Ётиқ ёнбағирлар дарахт ва буталар экиш учун сидир-ғасига ёки йўл-йўл қилиб ишланади. Жуда ювилиб кетган ва тик ёнбағирлар дарахт ва буталар экиш учун супача-супача¹ қилиб олинади. Тик ёнбағирлар қўлда (бунда кўп меҳнат кетади) ёки Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий текшириш институтининг сўнгги текширишларига қара-ганда, грейдер билан супача-супача қилинади. 20 — 22° гача тик бўлган ёнбағирларни Д-20 А грейдери билан супача-супача қилиб олиш керак.

Дарахт ва буталар супачаларға 1 ёки 2 қатор қилиб ўтқазилса, қулай бўлади.


Ёнбағирлардан яхшироқ фойдаланиш учун супачалар-нинг орасига шахмат тартибида 1×2 метр катталиқдаги майдончалар ҳам қилинади. Ёнбағирларнинг қанчалик

¹ Супачалар қандай мақсад учун ишлатилишиға қараб тароқ-симон (ётиқ ёнбағирларда) ва зинасимон ёки скамейкасимон (одатда тик ёнбағирларда) қилинади.

тиклигига қараб, бу майдончалар бир қатордан уч қатор-
гача бўлиши мумкин.

Супачаларга дарахт ва буталар келаси йили, тупроқ
бир қадар зичлашгандан кейин экилади. Супачалар куз-
да шудгор қилинганча бир йил туради, натижада тупроқ
кўпроқ нам тўплаб олади.

Тоғларда дарахтзорлар барпо этиш учун қимматли,
тез ўсадиган дарахтларни, шунингдек қимматбаҳо ёғоч
берадиган дарахтларни экиш керак. Ўрмон дарахтлари-
дан дуб, Пенсильвания шумтоли, оқ акация, гледичия,
Қрим қарағайи ва шу кабиларни, мевали дарахтлардан
ёнғоқ, ўрик, олма, нок, унаби, писта, бодом экиш мумкин.
Тоғларга дарахт экиш билан бирга тупроқни ювилиб ке-
тишдан саклайдиган буталар ҳам экилади.



Чегн кўкаламзор қилинган
Салор (1956 йил кузи).

Ирригация каналларининг ёқасига ва сув омборларининг атрофига дарахт ва буталар экиш

Сув омборлари, суғориш каналлари ва бошқа сув ҳавзаларининг сиртидан талайгина сув буғланиб, зойе кетади.

Масалан, Орол денгизининг сиртидан йилига ўрта ҳисоб билан 1048—1354 мм, Каспий денгизининг сиртидан 1230 мм сув буғланади. Каттақўрғон сув омборининг сиртидан йилига ўрта ҳисоб билан 1646 мм сув буғланиб кетади.

Каналлар, сув омборлари ва бошқа очиқ сув ҳавзаларидан сувнинг буғланиб, зойе кетишига йўл қўймаслик учун уларнинг атрофида ихота дарахтзорлари барпо этиш жуда ўринли ва фойдали ишдир.

Сув омборларининг қирғоқларига экилган дарахт ва буталар уларни аввало лой босишдан сақлайди ва сувнинг буғланишини камайтиради. Бундан ташқари, дарахт ва буталар қирғоқни сув бузиб кетишдан сақлайди, ёнбағирларнинг сув билан ювилиб кетишига йўл қўймайди.

Йирик ва майда ирригация каналлари ҳамда доимий ариқлар ёқасига дарахт ва буталар ўтқазилганда илдишлари қирғоқни мустаҳкамлаб, сувнинг ён-верига шимилишини, демак, исроф бўлишини камайтиради.

Бундан ташқари, дарахт ва буталар шох-шаббасида талайгина сувни буғлантириб, ер ости сувларини пасайтиради. Бу эса ерни иккиламчи шўр босишдан сақлайди.

Суғориш каналлари ва сув омборларининг қирғоқларида офтоб, иссиқлик ва сув мўл бўлганлигидан, қимматли ва тез ўсувчи дарахт ҳамда буталарни экиш мумкин. Булар ёғоч ҳам беради.

Сув омборларининг атрофига дарахт ва буталарни бир неча қатор қилиб экиш керак, улар теварак-атрофдаги ёнбағирларга ва нураш ҳодисаларига қараб жойлаштирилади.


Сув омборининг ёнидаги биринчи қаторга (нам етарли бўлса) буталар, яхшиси тол экилади. Шундан кейинги қаторларга ўсадиган баланд бўйли дарахтлар экилади.

Ўзбекистонда Каттақўрғон сув омбори 1948 йилдан бошлаб кўкаламзор қилинмоқда. Бу сув омбори Зирабулоқ ва Қоратепа тоғларидан тушадиган учта йирик сойнинг қўшилишидан вужудга келган табиий котловинада жойлашгандир.

Ҳозиргина айтилган уччала йирик сойнинг бош қис-

мига талайгина ёмғир ва эриган қор сувлари тўпланади, булар сув омборига шарқираб тушар экан, сойларнинг қирғоқларини ва тагини ўйиб, жар қилиб қўймоқда. Сув омборининг айниқса ғарбий ва жануби-ғарбий қисмларида бу жарлар яққол кўриниб қолади.

Сув омборининг теварак-атрофидаги ерлар шу омбордаги сув юзасидан юқори бўлгани учун суғорилмайди. Ва лалми ер ҳисобланади.



Атрофи кўкаламзор қилинган
сув омбори.

Сув омборининг атрофидаги лалми ерларда дарахт ва буталарнинг ўсиш шароити жуда ҳам оғир. Шу сабабли сув сатҳи яқин бўлишига қарамай, бу ерга қурғоқчиликка ва иссиққа кўпроқ чидайдиган, илдизи бақувват бўлиб, чуқур кетадиган ва тез ўсадиган дарахтларни экиш керак.

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий текшириш институтининг текширишларига ва Каттақўрғон ўрмон хўжалигининг иш тажрибасига қараганда, бундай шароитда майда баргли қайрағоч, оқ акация, гледичия, pista, ёввойи жийда, Бухоро бодоми ва бошқа дарахт ҳамда буталар кўпроқ чидаш берар экан. Бу ердаги етти яшар оқ акация дарахтларидан баъзиларининг бўйи 5 метрдан

ошади, айлантнинг бўйи 4 метр, бодомнинг бўйи 2,9 метр, нон жийданинг бўйи 4,5 метрга боради.

Қисқа бир даврда сув омбори атрофида 2 минг тупга яқин ҳар хил дарахт ва буталар экиб кўкартирилди.

Ириқ магистрал каналлар кавлаб тозаланадиган бўлса — бир томонига, кавланмайдиган бўлса — иккала томонига дарахт ва буталар экилади. Дарахт ва буталарни каналларнинг иккала томонига эккан яхшироқ, чунки улар шимилиб кетадиган сувни кўпроқ ушлаб қолади.

Дарахт ва буталар шох-шаббасининг кенглигига қараб орасини 1,5—2 метрдан қилиб экилиши керак. Тез ўсадиган ўрмон дарахтлари (масалан, терак) экиш билан бирга, зич шох-шаббали мева дарахтлари (гилос, нок билан олманинг баъзи навлари) эккан маъқул.

Майдароқ ирригация каналларининг ёқасига дарахтлар бир қатор қилиб экилади. Бундай каналларнинг четига бир-икки яшар экма кўчатлар кузда ёки эрта кўкламда ўтқазилса яхши бўлади.

Доимий ариқлар зарарли шамолларга кўндаланг жойлашган бўлса, чети 15—20 метр кенгликда дарахтзор қилинади, у каналларнинг четини ювилиб кетишдан сақлайди ва теварак-атрофдаги ерларни шамолдан тўсади.

Х у л о с а

Иҳота қилувчи дарахтларнинг ҳамма турларини кўздан кечириб, уларнинг одам ҳаётида нақадар катта роль ўйнашини билиб олдик. Дарахт ва буталар яшил дўстларимиз деб бечиз айтилмайди. Модомики шундай экан, уларни яқин дўстларимиз деб билиб, қунт билан парвариш қилайлик ва тежаб-тергайлик!

Ўрмон хўжалиги ходимларининг муҳим вазифаси — дарахт ва буталарнинг фойдаси ва уларни авайлаб сақлаш зарурлигини аҳолига кун сайин тушунтириб туришдир.



На узбекском языке

А. И. МОЛЧАНОВА, Н. П. БОЙКО

ЗАЩИТНОЕ ЛЕСОРАЗВЕДЕНИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

Объединенное издательство „Қизил Ўзбекистан“, „Правда Востока“
и „Ўзбекистон Сурх“ Ташкент — 1957

